

КИШЛОК ХАЖИКАТИ

1988 йил 4 август

ПАЙШАНБА

№ 176 (4.372)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

ПАСТ ДАРҒОМ

«Хурмат белгиси», Халқлар дўстлиги орденларининг соҳиб-и Абдурауф Исоқов «Прогресс» совхозидagi тажрибали деҳқонлардан саналади. У хўжаликнинг 4-бригадасида сувчиларга бош-қош. Миришкор деҳқон Т. Исмаилов, М. Тоқиев каби шоғирлар билан 100 гектар ердиги гўзалари об-и тобида сугораяпти. Ниҳоллар бугунгача уч марта оби ҳаётга қондирилди. Айни пайтда ҳар туп экинда 5—6 та бўлиқ кўсақ, кўлаб гул ва шона бор. Зарунослар Ингим-терим бошлангунча парваришини су-сайтирмаслик тадбирларини кўришяпти.

М. ҚИЕМОВ.

ШАҲРИСАБЗ

«Социализм» колхозидан Иноатилла Зиёдов бошлик бригада аъзолари гўза парваришини намунали олиб бормоқда-лар. Беш йилликнинг учинчи йилида 80 гектар майдоннинг ҳар гектари ҳосилдорлигини 29 центнердан оширишга бел боғлаган аҳил коллектив ҳозир-гача экинга олти марта комп-лекс ишлов бериб, уч марта озиклантирди. Айни пайтда ниҳоллар учинчи марта сугорилмоқда. Дала ишларида механизаторлар Санкул Қурбонов, Олим Аширов, сувчилар-дан, Облокул Исмолов, Абду-наби Қурбонов, Тўхтамши Исоқов, Турсун Самадов, колхоз-чилардан Тоқийа Сафарова, Замира Турдиева, Жамила Тураева, Қўзғой Бердиева синга-рилар жонбозлик кўрсатмоқ-далар.

А. МУҚИМОВ.

АМУДАРЕ

«Бу йил она-Ватанга 3.600 тонна оқ олтин ҳада этамиз!» — Тельман номи колхоз аъзолари шундай маъжубият олинган. Шу кезларда 1.450 гектар майдонда гўза серхосил қилиб ўстириляпти. Дала ишларида 150 дан зиёд суви, 450 дан ошмиш ички фаол қатнашмоқда. Қатор ораларини юмшатишда 20 та культиватор банд. Узро мусобақадда колхозчиларнинг Бутуниттфок IV съезди делегати Мадамин Жуматов бошлик бригада пешқадам. 103 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бу коллектив парваришини намунали олиб бормоқда. Гектардан 33 центнердан ҳосил олишни кўзланган. Собит Йўлдошев, Холбой Муродов ҳам ҳар дақиқани ғанимат билиб, ҳосилга ҳосил қўшмоқдалар.

Ҳ. ОТАМУРДОВ.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР МУСОБАҚАСИ



Қардош Туркманистон ССРнинг ўзaro текшириш бригадаси аъзоларидан бир гуруҳи Тошкент области хўжаликлариде бўлиб, социалистик мусобақа шартларининг бажарилшини ўрганмоқда. Меҳмонлар пойтахтлик пахтакорлар ва чорвадорлар амалга ошираётган ишлар билан яқиндан танишиб, ютуқларини кўзгайтириш, йўл қўйилаёт-

ган камчиликларни бартараф этиш юзасидан дўстона маслаҳатлар беришяпти. СУРАТДА: туркманистонлик мусобақадорлар Янгийўл шаҳридаги «Коммунизм» колхозининг Раҳимов бошлик бригадаси дала-сида.

А. ЗУФАРОВ ФОТОСИ.

ДАЛАНИ ҚАДАМЛАБ КЕЗГАНДА

Янгйўл районидagi «Маданият» колхозида қишлоқ механизация кенг жой-лай этиляпти. Дала иш-ларида ҳар йили ялпи ҳирмонинг 55—60 проценти иллат этаклардан бў-шатмоқдалар. Утган йили ҳар бир зағори неча билан ўртача 100 тоннадан оши-риб оқ олтин саранжомлан-ди. Азамат механизаторлар жорий йилда ҳам машина теримига пухта ҳозирлин кўришяпти. Барча турдаги терим механизаторлари ре-монт тугаланиб деб қолди. Хўжалик деҳқонлари эса асосий майдонларда гўзалар машинабоп қилиб ў-стирмоқдалар. Яқинда ўз им-кониятларини чамалаб кўр-ган дала суворийлари бу йил ялпи ҳосилнинг камиди 80 проценти агрегатлар ёрдамида яғиб-териб олиш мажбуриятини қабул қилди-лар. Далалар баёул утган тозаганда, механизаторлар лангасаси оширилмоқда. Озарбайжонлик мусобақа-дорлар — Саваян райони-даги Охундов номи колхоз-ининг пахтачилик бригадаси бошлиги А. Ризаев, Агdam районидagi «Социализм» колхозини правленисининг раиси Н. Керимов мазкур колхозда бўлиб, бу ерда па-

та этиштиришни интенсив-лаш юзасидан тўланган бой тажриба билан танишди-лар. Илгор пахтакорлар ва механизаторлар билан суҳ-батлашдилар. Шу райондаги Ҳамза номи деҳқонлари Раҳимов Жуматов бошлик бригадаси деҳқонлари беш йилликнинг учинчи йилида гектардан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Коллектив гўзани агротехника қоидалари асосида, серхосил қилиб ўстираляпти. Ҳозирга қадар ниҳолларга уч марта комплекс ишлов берилди. Мухим агротехник тадбир — чеканка ўз вақтида, сифат-ли ўтказилди. Жуяларда шарбат суви оқизилмоқда. Ҳозир ҳар тупда 8—11 та-дан бўлиқ кўсақ бор. Бу ер-да ҳам машина теримига алоҳида эътибор берилла-пти. Пахтакорлар этиштири-лажақ ҳосилнинг ҳаммаси-ни ўз кучлари билан саран-жомлашга бел боғлашган. Бригада далаларида бўлган мусобақадорлар коллектив меҳнатига юксак баҳо берди-лар.

Озарбайжонлик қардошлар «Москва» колхозида қувонч-ли воқеанинг устидан чиқиш-ди. Худобер Алимов бошлик бригада пайналида пахта оп-поқ очилди. Шунга қара-май пахтакорлар парвариши-ни бўшатиришга ташаббус қилди. Айниқса ривож топган гўза-ларда қўшма озиклантирил-моқда. Тажрибали деҳқонлар ва мутахассислардан иборат сифат комиссияси дала иш-ларининг боришини қаттиқ назорат қилапти. Шу билан бирга мусобақа-дорлар айрим жойларда гўзани суғориш, озикланти-риш, қатор ораларига ишлов беришда янги йилдаги қишлоқлик ва нуқсонларга йўл қў-йилаётганини таъкидлади-лар. Бундай манзарани «Ўз-бекистон», «Ленинград» кол-хозларида учратиш мумкин. Бу хўжаликларнинг баъзи пайкаллариде экин ривож топ-ти, ниҳоллар гўллаб кет-ган.

«Москва» колхозида озун-қа этиштириш борасида амалга оширилган ишлар мусобақадорларга маъзул бўлди. Бу йил хўжаликда озунга майдонлари 8 та оила-вий звенога бўлиб берил-ди. Озуқаторлар орта баҳор-дан фидокорона ишлаб, ай-ниқса манжажўри, оқжўжур ва лағлағиларни қўриқ-тиришди. О. Шу-курметов бошлик звено 10 гектар майдоннинг ҳар гек-таридан 1.300 центнердан

ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

МАВСУМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Пахта ва машина. Бу тушун-чалар бир-бирига яқин, ҳам-онанг. Эндилликда пахта терими-ни машинаси, қудратли тех-ника ёрдамисиз тасаввур этиш қийин. Бу табиий, албатта. Чунки кўл терими билан узок-қа бориб бўлмаслиги, муаммо-ни икбий ҳал қилиш мутлақо мумкин эмаслиги ҳаммага аён, исбот талаб қилмайдиган од-дий ҳақиқат.

Лекин афсуслар бўлсинки, йиллар ўтиб бораёпти, пахта-чиликни комплекс механизациялаш, айниқса ҳосилни ма-шинада териб масалалари эсе ҳамон ўткир муаммо бўлиб турибди.

Бу ўринда турғунлик деври-де эришилган «ютуқлар» ҳу-су-сида сўз юритишга ҳоҷат қол-мас керак. Унинг қандай со-дир бўлганлиги, охири-оқибати, аччиқ сабаблари эндиликда ҳеч кимга сир эмас...

Азизов, Бобот районидagi «Коммуна» колхозидан Гула-сал Полвонова, Бухоро номи колхоздан Юсуфбек Сафаров ва шулар сингари кўлаб ме-ханик-ҳайдовчилар мавсумда 120—200 тоннадан, ҳатто у-ндан ошириб пахта териб, бар-чага ибрат бўлдилар.

Ачинарлиси шундаки, сўнг-ги йилларда ҳам ҳосил йи-гим-теримини техника гардени-га юлваш йўлида деҳил қадам ташланаёпти. Машиналарда пахта териб планлари сурун-кусига бажарилмай қоляпти.

Фактларга мурожаат қилай-лик. 1985 йилда ялпи ҳосил-нинг атиги 35 проценти агре-гатлар ёрдамида яғиб ол-инди. Бухоро, Фарғона ва бош-қа бир қатор областларда ма-шина терими планлари батамом барбод қилинди. Бухоро об-ла-стида тўрт мингтага яқин пахта териб машинаси мавжу-д бўлгани ҳолда мавсумда улар билан атиги 40 минг тонна экин ҳосилнинг ўндан бир қисми те-риб олдинди. Вақолонки, ма-шиналарини саклаш ва ремонт қи-лишга, далалари теримга тай-ёрлашга мавсумда тўрт милли-он сўмдан кўпроқ пул сарф-ланган эди. Оқибати аён: иш-лаб чиқарилган чикимлари кў-пайиб, хўжаликлар катта зар-рар кўрдилар.

Шу ўринда илгор колхоз ва совхозлар эришяётган ютуқ-ларга тўхталиб ўтиш жоиздир. Масалан, республикамизнинг Яйрик пахтакор хўжаликларини — «Ўзбекистон ССР беш йил-лиги», «Малик», «Социализм», «Гулбо», Султон Сегайбоев номи совхозлар, Бобуот районидagi «Коммунизм», Ур-тачирчиқ районидagi Охун-боев номи, Сирдарё райони-даги «Ленинград», Комсомол районидagi «Коммунизм» кол-хозлари ва бошқа кўлаб ме-ханик коллективлари ҳар йили этиштирилган ҳосилнинг 70—80 проценти механизаторлар ёрдамида териб топширмоқ-далар. Мазкур хўжаликларда пахта барвақт, ёғин-сонини кунарга қолдирилмасдан са-ранжомлаб олинмоқда. Ҳом-ашё юқори сифатли, таннархи арзон бўляпти.

«Маня сизга ўзар фактлар: Янгйўлнинг райониде ўтган йили мавсумда терим лавни атиги 2,23 пайцент бажарилди. Бу рақамни келтиришга уял-сан киши. Ушбу районда эсе 4,11 проценти, Фарғона об-ла-стини Охунбоев, Тошқо-дарё областининг 8—10 процентида ошмади. Қашқа-дарё областининг кўл кучи этиштирилган, машинага эх-тиж кучли сезилмаган Ле-мон Юсупов райониде план-эрга 32,61 пайцент бажарил-ди. Инкор этмайлик, юқорид-аги салбий ҳолатларнинг ўзига яраше объектив ва субъектив сабаблари бордир. Лекин ма-шиналардан елчиб фойда-ланмаслик далали барибир да-лилликчи қоляди.

Республикамизда ўз иши-нинг устаси ҳисобланган зо-лаб меҳаник-ҳайдовчилар бор-ки, улар машиналар рулини моҳирона бошқариб, деҳқон-ларнинг узогини яқин, муш-қулини осон қилмоқдалар, «оқ олтин» ҳирмонларига қут-бара-ка киритмоқдалар. Ингим-те-римини энг қисқа муддатларда ёғин-сонини кунарга қолдири-масдан ўтказиш мумкинлигини амалда исботламоқдалар.

Бунки ўтган мавсум мусоба-қасининг гоиллари ҳам яққол кўрсатиб турибдилар. Ком-сомолоб районидagi «СССР 50 йилгити» совхозидан Сот-тибой Шокиров, Қарши райо-нидаги саккизинчи совхоздан Роза Кан, Жомбой районидagi «Жомбой» совхозидан Убай Эгамқуллов, Гулистон райони-даги «Октябрь» колхозидан Баборат Тўражонов, Уртачир-чиқ районидagi Ким Пен Ҳа-номи колхоздан Холмурод

Айтинг-чи, бундай фактлар нафақат биз санаб ўтган районларда, балки республи-камизнинг аксарий районла-рида катта маблагга сотиб олинган техниканинг умри бе-корга, беҳудага ўтаётганини (Давоми 2-бетда).



Ғузур районидagi «Партия XXII съезди» колхозининг Ҳаким Ҳамроев бошлик бри-гадаси деҳқонлари «Терим—14» ингичка толали пахта этиштирмоқдалар. Хўжаликда биринчи марта синаб кўриляётган бу нав гўзаси маҳаллий шароитда серхосил бўлиб ўсмоқда. 40 гектар майдоннинг ҳар гекта-ридан 35 центнердан, экин планда белги-

лангандан 4,1 центнер кўп оқ олтин этиш-тиришга бел боғлаган аҳил коллектив че-канкани ҳаммадан аввал тугаллади. Гўза парвариши бошқа бригадаларда ҳам уюш-қоқлик билан олиб боришмоқда. СУРАТДА: қатор ораларига ишлов бе-риш пайти. Ш. ШАРОПОВ ФОТОСИ. (ЎзТАҒ).

Наманган районидagi бош-қа хўжаликларда ҳам гўза-лар барвақт. «Коммунизм» колхозидан Собир Хўжанов, «Ленинград» колхозидан Ка-молиддин Инъомов, Даяр-жинский номи колхоздан Марҳамат Мирзаабдуллаева бошлик бригадаларда айниқ-са ҳосил чўғи баланд. Бу йил район пахтакорлари она-Ватанга 39 минг тонна оқ олтин ҳада этишини кў-лашган.

ҲОСИЛ ЧЎҒИ БАЛАНД

Свердлов номи колхоз механизаторлари гўза парваришини тобора қизитмоқда-лар. Дала ишлари мусобақа-сида Уринбой Исмоилов бошлик коллектив пешқа-дам. Хўжаликда биринчи бўлиб шу бригадда экин қийғос қўсақлади. — Ниҳолларда буттурғи-дан ҳафта бурун кўсақ пай-до бўлди, — дейди бригада бошлиги У. Исмоилов. — Бу бир жиҳатдан ҳаво қулай келаётганининг, иккинчи-дан, пахтакорларимиз ҳар дақиқадан омилкорлик билан фойдаланаётганликлари-нинг шарофати. Деҳқон фурсатини ғанимат била-дигани, парваришини кучайт-рийдигани, гўза кун санайдиган дамлар ҳозир. Ғайратини бў-шатиримай, мавжуд 50 гек-тар майдонда эртаги ва мўл оқ олтин этиштирамиз.

Даржақиқат, бригадада аг-ротехник тадбирлар оби-тобиде бажарилляпти. Ҳозир-гача қатор ораларига беш марта комплекс ишлов бе-рилди, озиклантирилди, ма-ромиде сугорилди. Икки марта кетмон чопниги ўтқа-зилди. Гўзага белгиланган нормадаги минерал ўғитлар солиб бўлинди, энди маҳал-лий ўғитга зўр берилмоқда. Механизаторлар Турғунбой Холқов, Салоҳиддин Жало-лиев, сувчилардан Хусан Ха-лилов, Собир Раҳимов ишда шижоат кўрсатмоқдалар.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 2 август. (ТАСС). Космонавтлар Вла-димир Титов ва Муса Мана-ров узок давом этаётган ор-битал учини программасини бажармоқдалар. Бугун экипаж иш вақти-нинг анчагина қисми тех-никавий экспериментларга а-йратилган. Инфрақизил ра-диометр ёрдамида орбитал комплекс ичидagi айрим конструкция элементлари-нинг ҳароратини белгилаш ва намлик тўлгандагидан эх-тимол тутилган зоналарни аниқлаш мақсадида тадқи-қотлар ўтказилди. Янги оп-тик приборлардан фойдала-ниб, юлдузларни аниқлаш

самардорлигига баҳо бе-ришга доир экспериментлар ҳам мўлжалланган. Ҳалқаро «Рентген» про-граммасига мувофиқ астро-физик тадқиқотлар давом эт-тирилмоқда. Утган кунларда Геркулес X—1 рентген нул-сари қузатишлар объекти бў-лди, бугун эса «Квант» му-дунлиги телескоплари то-лдириш юзасидан туркумидagi янги ренгтер юлдузига йў-налтирилган. Телеметрия ахбороти маъ-лумотларига ва экипажнинг докладларига кўра киши бошқараётган «Мир» комп-лекси ичидagi ишлар белги-ланган графика мувофиқ олиб боришмоқда.

КРУПСКАЯ ХАҚИДА КИТОБ

Коммунистик партия ва совет давлатининг атоқли арбоби, В. И. Лениннинг рафиқаси, дўсти ва сафдоши Н. К. Крупскаянинг илмий иттифоқчи бўлиб қолган китоб босилиб чиқди. Китоб муаллифлари бөлшевиклар партиясини тузиш ва муста-қамлашда, оммавий сиё-сий жиҳатдан билкидон қи-лишда Належда Константи-новна ўйнаган ролни ёрит-ганлар, СССРда маданий ре-волюциянинг назарисини ва практикасини, халқ маориф-ига, СССРда социализм қу-риш ленинча планини амал-га оширишга унинг қўшган катта ҳиссасини кўрсатиб берганлар.

ЯНГИ ДОВОН САРИ ЛАВҲА

Кенг пайкалда трактор гурилляпти. Культиватор билан юмшатиладиган қатор оралариде колхозчи-лар чопиқ қилишмоқда. Қўшни қартада эса сув-чилар ўқариқ ва эгитлар бошини ростлаш билан банд. Бригада бошлиги Тўй-чибой Турғуновни шу ер-де учратдик. У барче агротехника тадбирлари-ни амалга оширишда

бош-қош. Тўйчибой биз-ни дала шийпонига бош-ладик. Кўкка буй чўзиб ат-рофга қуюқ соя ташла-ган дарахтлар оғушдан шийпон киши диққа-тини тортади. Сўрининг шундоқ ёнидаги майдон-чага экинган райхон-чикуш буйи ҳиди ди-моққа уриляди. Ярим гектар ерда помидор, бодринг, пиёз, себзи,

картошка, қалампир ў-стирилмоқда. Дид билан қурилган тандирда исси-кон ёпилапти. Озоде-лик, серанжом-саришта-ликдан дил қувонади. Ичкеридан эса ақимдан алла эшитиллади: Юзимнинг ёғун, кўзимнинг нури, Белмининг қуввати, Дилми сурури, Элимнинг қувонци, тоғдек гурури, Эрка болам, оппоғим, Севган болам, тойчоғим, алла.

Ун-ун беш чоғи жаж-жи ўйиб-қиз серхуш мудрайдик. Нариги хона-да ҳозиргина даладан қайтган колхозчилар дем-олиб, газета-журналлар-нинг янги сонларини кўз-дан кечирмоқдалар. Ош-паз Азизахон Эргашева лоззатли таомни аллақа-чон тайёрлаб кўйган эмасми, уларни дўстур-хонга лутфан тақлиф этади: — Ҳой, қоқиндиклар, олдин таом, баъдэ ка-лом деганлар. Райхон

жамбилар солинган у-рга ош совиб қолмасин. Фарғона области Охун-боев районидagi «1 Май» колхозининг ком-мунист Тўйчибой Тур-ғун бошлик бригадаси пахтакорлари кўрнинг йилда 129 гектар эринг ҳар гектаридан 35 цент-нердан оқ олтин этиш-тиришга астойдил бел боғлашган. Айни кунлар-де, гўзалар бешинчи ком-плекс ишловдан чиқари-ляпти. Механизаторлар Солиқон Ҳамдамов ва Тўхтасин Ҳамдамовнинг ҳар бири кунига 6—7 гектар майдонни сифат-ли культивация қилмоқ-да. Акбарали Турсунов, Йўлдошали Бегалиев, Солиқон Юсупов каби сувчилар ниҳолларни шарбатга қондиришмоқ-де. Колхозчилардан Со-рахон Халилова, Мавлу-дахон Турғунова, Шах-ринисо Мирзалыева, Ху-ринисо Аҳмадзонова эсе пайкалларни бетоне-ўт босишига йўл қўйма-ятилар.

ЙЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

1988 йил 2 август куни Совет Иттифоқиде «Протон» учирувчи ракета билан ер-нинг набадгаги суьғий йўл-доши «Космос-1961» учир-илди. Йўлдошга космик фа-зони тадқиқ қилишнинг да-вом этириш учун мўлжал-ланган илмий аппаратлар, тўлқиннинг сантиметрли

диапазониде ишловчи теле-граф-телефон ахборотлари-ни ретрансляция қилиш учун экспериментал аппарат-лар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишламоқда. Координация — ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

Кенг янгибонлар оммаси-га мўлжалланган асарни сиёсий адабиёт нашриети бо-сиб чиқарди. Н. К. Крупская тарихман ҳолининг биринчи наشري 1978 йилда чиққан эди. (ТАСС).

Партия конференцияси кўрсатган йўлдан

ПУДРАТ, ДАРОМАД, РОҲАТ, КАЙФИЯТ

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қайта қуришнинг боришини таҳлил қилиб, барча бойликлар инқодори — инсонга ғамхўрлик масаласини олдинги ўринга қўйди. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Этан, совет ишчилари фаронглигини ошириш КПСнинг олий мақсади. Бу шор партиянинг Программасида зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Эндликда бирор коллективнинг фаолиятига баҳо беришда ишлаб чиқариш натижалари билан бир қаторда меҳнат инисини учун қандай шарт-шароит яратилгани ҳисобга олинганлиги, Агар мазкур ишлаб чиқаришнинг бош мезонига айланиб бораётган десам, бугунги кун талабини тўғри фидодалаган бўламан.

«Қайта қуришни Москвадан ёни республика пойтахтидан олиб келмаймиз, уни ўзини яратамиз» — Бу гапни кўпгина жойларда бўлгандак Жомбой райони коммунистлари ҳам ишонч билан айтишляпти. Бу ерда қайта қуриш бир неча ишнинг саз-ҳаракати натижасида эмас, балки кўпчилигининг бирлигини куч-ғайрати билан реал воқеликда айланишини яққол ҳис этишляпти. Ганлари муҳимдир.

Биз район партия комитетида, коллективларда

турли ёш, савия ва насбдаги одамлар билан мулоқотда бўлганимизда туб бурнили сари инти-лишнинг самараларини кўрдик. Коммунистлар, комсомоллар, партиясизлар янгилашни йўлидаги ишларга муносиб баҳо беришляпти. Уларнинг ансарияти «Бугунги кунимиз кечягидан анча фарқ қилади» дейишганида амалга оширилябган ишларнинг натижаларини иллагаандай бўлди.

Қайта қуриш суръатига жадаллик бахш этиш ниятида жомбойликлар меҳнатни ташкил қилишнинг турли шакллариини синаб кўрашляптилар. Эҳтимол, уларнинг айримлари бу синонга бардош беролмас, лекин ана шу интилишнинг ўзи фаоли, ятсизликдан кўра фойдалироқдир. Масалан, бундан бир неча йил муқаддам ҳар бирида 10 тадан оила бирлашган кооператив етиштирган сут ҳа. қида ҳеч ним тасаввур қилолмади. Ҳозир эса шундай кооперативлардан 9 таси ишлаб турибди, Уларнинг аззолари етиштирилган махсулотни ренали сотишдан, боқувдаги моллар учун хўжа-ликдан наид озунинг етказилиб туришидан манфаатдор бўлишса, колхозлар сут булогига барана киришидан, аҳоли эса сут-қатининг кўпайганидан манфаатдор. Хуллас, янгича ишлаш ва яшаш нима бераётганлиги хусусида ушбу саҳифада ҳиноя қиламан.

Колхоз раиси Аваз Эргашев кичкинтойлар кўршоида қолди.

— Сен Турдиқулнинг ўғлисан-а? — деди раис жажжи болага қараб. — Отанг ҳам, онанг ҳам меҳнатқаш одамлар, уларга муносиб фарзанд бўлинглар...

Биз ҳикоямизни болалар боғчасидан бежиш бошлаганимиз йўқ. Бу колхозда «Орзу» болалар боғчаси мудираси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты Халида Мустанова меҳнат қилади. Унинг иш тажрибасини ўрганиши кўшини районлардан келишади. Биз депутат тарбиячининг портретини колхоз оммавий-сиёсий ишлар марказида кўрдик. Ҳа, бу ерда ҳар бир диаграмма, кўргазмали восителар ниҳоят да нозик дид билан безатилган. Бизга хўжалик ҳисоби принципалари тўшунтирган схема жуда маъқул келди. Содда, лунда, энг муҳими — тушунерли.

Бизни хўжаликнинг марказий устакхонага тақлиф қилишди. Қайта қуриш, ошкоралик ҳақида суҳбатимиз бу ерда қизгандан қизди.

«Қани айтинг-чи, сиз ишлаётган жойда кейинги пайларда нималар ўзгарди?» деган саволимизга механик Абду-мажид Очлов дангал жавоб берди:

— Ун йил бўлди шу ерда ишлаётганимиз. Илгари қўли мойга ботган тракторчи узоқ йўл босиб ҳаммомта боришга ҳадеганда ҳафсала қилвермасди. Энди бўлса ҳаммомта Исмас ҳар кунни тушамиз. Қадок қўли меҳнатқашга муносабат ўзгарди.

— Самарқанд районидеги «Ўзбекистон» колхозга гаражи, «Комсомол» колхозга фермасидаги шарионти кўриб ҳавасимиз келгани, — сўз қотди устакхона мудири Амин Маматқулов. — Мана ярим йилдан ошди меҳнатқашларимиз ана шундай ғамхўрликдан миннатдор.

Устакхона мудири бизга бир воқеани гапирди берди. Жомбойдаги 14-хўнар-техника Билим юртидан 17 ўқувчи шу ерга практикага келибди. Уларнинг бир қисмига техника сақланадиган нарироқдаги базга боришни тақлиф қилишди. Лекин улар бир овоздан шу ерда, устакхонада қолишга қарор қилишдики Чунки ҳордиқ хонаси, ажойиб душ бор-да. Ҳа, бу гапга ишонса бўлади. Шунинг учун ҳам 7-мактабни битирган йигитлардан Галиб Эшназаров, Эргаш Мухаммадиев слесарлик касбини танабл, шу ерга ишга келганликлари ҳам табиий ҳол. Ошонча ишлаб турибди, масалиқнинг бир қисми — помидор, бодиринг, пияз, бақлажон, сабзи, булғор

ФЕРМАНИНГ ҲАҚИҚИЙ ХЎЖАЙИНЛАРИ

Жомбойда иккита чорвачилик коллективи ижара пудратига ўтиб ишлашляпти, учинчиси шу янгиликни жорий этишга тайёргарлик кўрмоқда. Хўш, бу озми, кўпми? Ижара пудрати озми-овқат таъминотини яхшилашнинг энг яқин йўли эканлигини ҳисобга олсак оз.

— Лекин биз бир нарсани ҳисобга олдик, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Амин Алимович Сааторов. — Шоша-шошарлик билан, билиб-билмай ижара пудратини «жорий этиш», шундай истикболли усулнинг обрўйига пугур етказилган кўра масаланинг муҳиятини тўла англаб ишлаган маъқул.

Қани кўрайлик-чи, районнинг бақувват хўжаликларидан бири — «Октябрь» колхозининг 1-фермасида ижара пудратини чорвадорлар қандай қабул қилишляпти экан. Шу ниятда бу ерга таширғи буюрдик.

Дарвоза олдидаги яш-иш манзара баҳри дилчимизни оқиб юборди. Махсунтолиннинг унн шохлари энгил шабадада охиста тебранади, қил-қизил гуллар чиройидан дил ярайди. Унғ томонда «Чорвадорлар уйи». Чўдек гилам хонага кўри бахш этиб турибди. Юмшоқ ўриндиқлар шинем уйга жуда мос тушган. Ошпаз Қурбон Сариев тайёрлаган таомлар чорвадорларга манзур бўляпти.

Энди оппоқ халат кийиб санитария ўтказгич орқали ичкари киримиз. Сауна, душ хоналаридеги кафеллар ярақлайди. Буларга қараб чорвадорнинг кайфиятини илғаймиз: тани, руҳи тоза одамнинг иши ҳам унумли бўлади.

Ижара пудратига ўтилган фермада 56 ходимдан қарийб 20 нафари қисқарибди. Механик, тракторчи, молбоқар юмушларини илгаригидан камроқ одамлар бажаришляпти. Оқдий усулда ишлаганда ферма колхоз раҳбариятидан қандай буйруқ келишини кутар эди, ҳозир эса хўжалик раҳбарлари шертномада битилган мажбуриятлар доирасида фаолият кўрсатишляпти. Бош зоотехник Тақсим Мусеве зим

ларни ажратиб. Техникавий ва маданий-маиший хизматларни таъминлаш, зарурий буюмларни қарзга бериб туриш. Мазкур мажбуриятлардаги ушбу сатрларга эътибор беринг: колхоз раҳбарияти озунда етиштиришда банд бўлган одамлар ва техникани бригада кенгаши розилигисиз бошқа юмушга савфарбар етолмайди.

Шунингдек, мазкур хўжактада моддий харажатларини тежаш ва таннархини аранолаштириш, пландан ташқари махсулот етиштириш учун рағбатлантириш тадбирлари белгилаган.

Бригада кенгаши фермада ҳал қилувчи овозга эга. Унга бош зоотехник раислик қилади. Чорвачилик бўйича бухгалтер Сотиболди Мамарасулов, ферма бригадари Заҳеддин Везиров, тракторчи Турсун Вейсалов, молбоқар Тинибой Эшқулов ана шу кенгашига аъзо. Меҳнатда иштирок этиш коэффициентини шулар белгиляшади. Илгари ойига 100—110 сумдан маош олиб юрган чорвадорлар эндиликда яхши ишлаш туфайли, муқофодан ташқари 150 сумдан ҳам олишляшляпти. Ижара пудратини жорий этишга сутнинг ағиллиги ҳам сезиларли кўтарилди.

Ҳа, жомбойликларнинг қосаси тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам оқариб бораляпти. Иқлим шариоти ва тупроқ ҳолати йиллар мобайнида меҳнатқашларни қийнаб келаятган районда бу жуда муҳимдир.

«КАМАЛАК» ЖИЛОСИ

Шу йил болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кўни — 1 июнда «Коммунизм» колхозини аззолари ҳаётида қувончли воқеа юз берди: Грузия лойиҳачилари бунёд этган янги боғча ишга тушириди. Унгда «Камалак» деб ном беришди. Болалар ҳам, катталар ҳам хурсанд. Бунақаси яқин-ўртада кам топилади. Ҳозир хўжаликка ким ташриф буюрса, ана шу боғчани томоша қилмай кетмайди. Биз ҳам истисно бўлмадик.

Боғча дарвозасидан бир қадам қўйишингиз билан ўзингизни гўё эртанглар сепанатиға кириб қолгандай ҳис этисиз. Унғ томонда кўкка интил

ҲАР ЖАБҲАДА НАМУНА

Тошкент йўлининг ўнғ томонда улкан пештоқли қорхона кўзга тешланади. У нафақат Жомбой районида, балки Самарқанд областида пешқадам саналган 2507-автоконидадир. Бу қорхонанинг номи республика миқёсидаги йигишларда тез-тез тилга олинди. Ишлаб чиқариш техникасини тақомиллаштириш, истикболли усулларини изчил

жорий этиш борасида коллектив намуна бўляпти. Бу ютуқларнинг заманини ҳодимларга ҳар жиҳатдан қулай шариот яратишда деб баҳоламиз. Автоконида меҳнат қўнимсизлиги йўқ, кўпчилик хайдовчилар йигирма-ўн тиз янлдан бунн шу ерда ишлаб келаяпти. Тажрибали ходимлар бу қорхонада пардаевлар, сайнеметовлар, носиров

Жомбой районида инсон омилини фаоллаштиришга алоҳида эътибор бериляпти



Жомбой районида меҳнатқашларга ғамхўрлик кўрсатилягани, улар учун зарур шарт-шароит яратилаётганини ҳақим-ҳақимани — кенсая ёш фаоллаштириш юборди. «Правда» колхозидеги ишхонада кўнубчи 20 нафардан зиёд нахон ташаббус кўрсатиб «Чашма» фольклор ансамблини тузди. Улар лавлар ва бошқа оғани ижод намуналарини тўллаб, янги сайқал бериб, халққа

сидқидан хизмат қилмоқдалар. Ҳаваскор санъаткорлар дала шийонлариде тез-тез бўлиб, нахаткорларнинг дилини тушунд этишляпти.

СУРАТДА: «Чашма» ансамбли қатнашчиси — олти фарзанд, ўн тўққиз набира меҳрибон Суҳур Худойбердиева, меҳнат ветеранларидан Парда Ражабова ва Халима Умрзоқова.

гиллаши хонаси ишлаб турибди. — Келгуси ҳафта район марказидаги Ғалаба боғида концерт бериш бизнинг наватимиз, — дейди Иброҳим Саъидов. — Ҳозир шунга тайёргарлик кўрляпмиз. Унда «Шарқ хангомаси» деган спектаклни намойиш қиламиз. Хўжа Насриддин Роҳида хайдовчи Нурриддин Худойбердиев ўйнайди, шох либосини Екуб Ҳамроқулов кияди, истамбуллик султон қиёфасида Николай Малюков чиқади, кутубхоначимиз Халиса Алиева малика образини, слесар Зокир Бердиев соқчи ролини яратган. Томошани ўзимиз қизиқиб кўрляпмиз, дам олувчиларга манзур бўлади, деб ўйляймиз.

Ҳа, нафақат ҳаётида ҳам автоконида коллектив намуна бўлишга интиляпти. Қорхона директори Г. К. Низоҳат узоқ йилларда бунн ишляди. Унинг ташаббускорлиги, куч-ғайратга тўлғали кўпчилик хайратга солади. Аслида ажабланишга ўрин йўқ — ким ўз ишини берилиб бажарса, асло чарчамайди. Григорий Константинович ана шундай инсонлар тоифасидан.

— Мен ўзим Булунгур районда турман, — дейди бош инженер В. В. Варшаваский. — Бу ерда райондошларим кўп. Уларнинг ҳаммаси яхши шариот яратилгани учун бизга ишга келишади.

«ЧАМАН»ДА ГУЛ ОЧИЛДИ

«Чаман» — «Правда» колхозиде ташкил этилган фольклор-этнография ансамблининг номи. Асосан нахон ва олаҳонлардан ташкил топган. Халқ ичинда юрган дурдона асарлар ва сонадалари ижросида қайтадан қанот болмоқда. Шўх, халқона ҳазил-мутойба сингирдирган ялла ва лавларда эл-юртинг бугунги қамоли, қишлоқлар жамоли таранум этиляди. Мана, уларнинг ўз «Қилиллар»ларига қулқ тутинг.

Энди совуқ бўлмасин қилпиллама, Пахталарни урасин, қилпиллама, Қарн қўшиқ айди деб, қилпиллама,

Ешлар сира қулмасин, қилпиллама. Халқнинг ўзидеи содда, лек пурҳикмат бу сўзлар замирида, назаринида, кекса авлод ичинда юрган дурдона асарлар жанговарликка чорлаш ётади. Ҳа, Найман тела, Журият каби қишлоқ онехонлари қалб кўрларини қўшиққа бағишляшляпти. Ешларга аjoyиб ўрнат бу! Тўғри, ансамбли ҳали олмас ўлкаларга сафар қилган эмас, лекин Украина маданияти кўнлари қатнашчилари Жомбойга келганлариде программадан уч баравар кўп вақт мобайнида қолиб кетганлари рости. Хали «Чаман» номи катта савналарда жанглангани йўқ, аммо шу йил апрель ойида мазкур ансамблининг Бир-

гина ижроси Ўзбекистон телеэкрани орқали ўтганда ҳар бир қолжчи қалби фехрга тулган. Ҳозирче катта мукофоту совринлар бу нахонларга насиб этмаган, бироқ Жомбой районида II даража-ли диплом ҳам уларни қувонтирмади.

«Гуллола», «Гўзал Нурхон», «Отроғай тонг» қўшиқлари ижро этилганда 67 яшер онахон Суҳур ва Худойбердиеванинг ёшлик оилари қайтадан намоён бўлади, шу қўнларга монанд Меҳри Каримова, хиром айлаб рақсга тушади. Халиса Ҳайдарова доирасдан қалб садоларини чиқарса, Маърифат Отамуродова, Фарда Ражабова, Халима Умрзоқова, Зилола Зоҳидова, қўннинг жами 20 нафар хотин-қиз ҳар қандай йинини қизитиб юборади.

Биз қишлоқнинг шаҳар даражасига етиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақида кўп гапирлямиз, аъзимиз. Тўғри, ҳали турмуш маданияти қишлоқларимизда шеҳардагидан орта. Лекин «Правда» колхозиде тарбиячимизда одамлардаги шаж-шавк, иштиёқ унчамунча вақри аъим қишлоқларидан бир парда баланд эканлиги ишонч ҳосил қилинди. Айтгандай, фақат «Чаман» ансамбли ҳаваскорларининг қишлоқларидан шундай фикрга келганимиз йўқ.

Турмуш маданияти бўйича аjoyиб халқ университетини бор. Унга врач Шакароя Оморова ректорлик қилади. Бу даргоҳда рўзгор тутти, олаҳий муносабатлар, бола тарбияси, меҳмон қутуш, овқат тайёрлаш бўйича амалий машғулотлар ўтказиб турилади. Бўйхат бўйича 50 тинглович, амалда 62 киши қатнашди (қизиқувчилар кўпчилигини). Жорий йилда тингловичларнинг 18 нафарининг уйини бориб кўришди. Мана, 5-бригада аъзоси Ҳанифе Саидова нима дейди:

— Рўзгорни рисоладегимке юритиш учун уйда ҳамма нарсамиз бор экану, лекин уларни жой-жойига қўймаган эканмиз. Бу борада университет катта роль ўйнади.

Медицина ҳамшираси Халиса Давронваннинг ҳам фикри шундай. Яқинда лаззатли тўм пишириш бўйича конкурс ўтказилди. Ҳакамликка кутубхоначи, ўқитувчи, сигирсоғар, уй беклари сайланишди. Улар бари бир овоздан 10-бригада аъзоси Мақсуда Жуманова, 4-бригададан Шафбат Тўхтаева ни энг қақшон, уста пазанда деб тан олди. Булар 19 пазанда ичидан танланди.

— Биз халқимизнинг аjoyиб урф-одатларини янгича аънаъларга уйғулаштириб юбораляпмиз, — дейди колхоз партия комитети секретари Сайхон Хушватов. — Одамларимиз янада яхши, маъмулли турмуш кечириниға қизиқляптилар.

Биз Жомбой районидаги қатор меҳнат коллективларининг бугунги ҳаёти ҳақида бир шингил ҳиноя қилдик, холос. Уларда турмуш тарзи ҳаётнинг ўзидеи жўшқин, ранг-баранг. Ҳар шабаба нечурун район марказидаги Ғалаба боғида чинананига ларга уйғулаштириб юбораляпмиз, — дейди колхоз партия комитети секретари Сайхон Хушватов. — Одамларимиз янада яхши, маъмулли турмуш кечириниға қизиқляптилар.

Ш. ЖАВВОРОВ Н. МУҲАММАДҚОНОВ (фото), «Қишлоқ ҳаётининг махсус муҳбирлари»



Районнинг кўпгина хўжаликлариде, шу жумладан «Коммунизм» колхозиде келажакимиз эгалари — кичкинтойлар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатиляпти. Хўжаликда Грузия архитекторлари томонидан яратилган лойиҳа асосида гуф вал ва кўркам болалар боғчаси барпо этилган. Бу замонавий масканда жажжи ўғил-қизлар учун барча қулайликлар муҳайё. СУРАТЛАРДА: 1. Болалар боғчасининг ташқи кўриниши. 2. Бу ерда тарбияланаётган келажакимиз эгаларининг бир гуруҳи.

